

Тадбиркорлик давр талаби эканини яхши англаб етган Юлдузхон Раҳимова ўзининг Корасу шаҳрида фаолият юритаётган «Корасу трикотаж фой» масъулияти чекланган жамиятига Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридан янги трикотаж дастгоҳлари ва синтетик калава-ип келтириш юзасидан шартнома имзолади.

МАЛАЙЗИЯДАН ХОМ АШЁ

Бу ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиб билан бирга, маҳсулот сифатини оширади. Жорий йил бошидан 36, 9 минг дона маҳсулот тайёрланиб, 9,1 минг доллар қийматида хорижга экспорт қилинди. Ҳозир корхонада 20 нафар ёш меҳнат қилмоқда. Уларга хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган.

Абдулхай ЮСУОВ, «Ishonch» муҳбири

САМАРҚАНД

Самарқанд вилоятида 158 та касб-хунар коллежини юздан ортиқ мутахассислик бўйича тамомлаган 60 минг 794 нафар ёшга кенг имкониятлар яратиб берилмакдир.

ЁШЛАР ЭЪТИБОРДА

58 минг нафардан зиёд битирувчи ўзлари амалиёт утаган корхоналарда иш бошлаш имкониятига эга бўлди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган 8500 нафардан ортиқ битирувчининг 4253 нафари банк кредити билан таъминланган.

Ўз муҳбиримиз

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қоракалпоғистондаги «Тўртқул-Асака Текстиль» масъулияти чекланган жамияти иқтисодий жиҳатдан юқалиб, экспорт салоҳияти ортиб бораётган корхоналардан.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

Жамиятимиз собиқ «Тўртқул» корхонаси негизда ДАТБ «Асака банк»нинг шўба корхонаси сифатида ташкил этилди, — дейди МЧЖ бош иқтисодчиси Файрат Маширпов. — Ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш мақсадида буёш-пардозлаш цехида 306 миллион сўмлик қурилиш-реконструкция юмушлари амалга оширилди. Кейинчалик тикувчилик ва трикотаж цехлари ишга туширилди.

Корхонада 2011 йилда 2 миллиард 830 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг 856,3 минг АҚШ доллари миқдоридаси экспортга жўнатилди. Бултур 3 миллиард 210 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1 миллион 79 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижга жўнатилди. Бир йилда ишлаб чиқариш ҳажми 12, экспорт эса 21 фоизга ўсди.

Иzzат ҲИҚМАТОВ



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 6-avgust, seshanba № 93 (3286)

Ishonch

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Халқаро илмий-амалий конференция

Ижтимоий шериклик — барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатлари омили

Пойтахтимизда «Ижтимоий шериклик барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашнинг омили сифатида: Ўзбекистон тажрибаси ва янада ривожлантириш истиқболлари» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Тадбир фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари, аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, хизматчиларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат сўҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, шунингдек, бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга доир истиқболли вазифаларни белгилаб олиш, илгор халқаро тажрибани ўрганиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларни таҳлил этиш мақсадида ўтказилди.

яси Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси,

шунингдек, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар, иш

берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, МДХ ва хорижий давлатларнинг касаба уюшмалари марказлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда мустақил экспертлар иштирок этди. (Давоми 2-саҳифада).

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрамини юксак савияда ўтишини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Осойишталикни мустақамлаш йўлида

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётган. Туман ва шаҳарларда, қишлоқ ва маҳаллаларда хушёрлик ва огоҳликка чорловчи тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзуларидаги учрашувлар шулар жумласидандир. Вилоятда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг маҳаллий бошқарув органлари, жамоатчилик билан алоқалари мустақамлиги, жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида аксарият маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Милиция таянч пунктлари қошида турли тўғарақлар, спорт секциялари ташкил этилиб, кичик бизнес шохобчалари фаолияти йўлга қўйилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига, ишлар самардорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатаётган.

Мустақиллик байрамини вилоятнинг шаҳар ва туман марказлари, қишлоқ ва маҳаллаларида юқори савияда ўтказиш учун барча чоралар кўрилмади. Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавуқулдода вазиятларнинг олдини олиш мақсадида доимий рейдлар уюштирилмоқда. Аҳоли пунктлари, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларидан ёнғин хавфсизлиги қондаларига рияоз этиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмакдир. Байрам муносабати билан вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда чегара ҳудудларда тезкор- профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчилигининг фаол иштирокида ўтаётган ушбу тадбирлар домида паспорт тизими қондалари, хорижга чиқиш-келиш бўйича қонун ва белгиланган тартиблар бузилган ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Тадбирларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, юрт тинчлиги ва ободлиги оstonадан, оиладан, маҳалладан бошлангани, Ўзбекистонимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини мустақамлашга муносиб ҳисса қўиши ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи экани алоҳида таъкидланмоқда. Байрамни кўтаринки рўҳда ўтказиш билан боғлиқ чоралар кўриш, огоҳлик ва хушёрлик ҳаётимизнинг зарур шарти экани аҳолига, айниқса, ёшларга атофлича тушунтирилмоқда.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА муҳбири

«АХИЛ» — ПОЙТАХТНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида барча фуқаролар йиғинлари фаолияти чуқур ва атофлича ўрганилди. Хусусан, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳиятидан маҳаллалар фаолларининг

нечоғли хабардорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалла фаолларининг турли долзарб масалаларни тез, оқилона ва самарали ҳал этишга оид билим ва тажрибасига муҳим мезон сифатида ёндашилди.

Олмазор туманидаги «Ахил» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўз муҳбирларимиз

Тадбиркорнинг таянчлари

Ижтимоий фаоллик — замон талаби. Юртимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ҳар бир фуқарони фаоллик ва ватанпарварликка, изланиб-интилишга ўргатади. Давр кишилардаги яширин қобилиятларини рўёбга чиқариш билан бирга яратувчанлик иштиёқини шакллантирмоқда. Ишбилармонлик муҳити нафақат давлат, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Қўшрабтдан Каттакўрган сари йўл оладиган автобусда кўнгилли бир сўз бағта гувоҳ бўлдим. — Автобус тепасидаги ёзувга кўзингиз тушдими? «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» кўмагида олинди», деган ёзув битилган экан. Бу ташкилот қатор ижтимоий лойиҳалари билан фуқароларга ёрдам кўрсатиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўишида қўлларга мадад бераётган. Дарҳақиқат, ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ фуқароларимиздаги интеллектуал қобилиятни юксалтиришга астойдил бел болаган мазкур нодавлат нотижорат ташкилот шу тарзда омма орасига кириб бормоқда. Бугун оилавий тадбиркорликни ташкил этган фуқароларнинг аксарияти ННТнинг «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиётининг гарови» лойиҳаси доирасидаги қатор ўқувларида иштирок этиб, ўз йўлини топаётган. Форум кўмагида Самарқанд туманидаги «Муродов Хамид» МЧЖ, Самарқанд шаҳридаги «Сифатли макорон» оилавий корхонаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур тадбиркорлик субъектлари бугун сифатли маҳсулотлари билан бозордаги мавқеини тобора мустақамлаб бормоқда.

Хонадон шароитида турли хил ширинликлар, қандолат маҳсулотлари тайёрлашга устаси фаранг бўлган Хуршида Ҳақбердиева ҳаётидаги бурлишига ҳам ана шу ташкилот туртки берди. Форум томонидан оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича қатор ўқув-семинарлар, учрашувлар пазанда аёлга йўл-йўриқ бўлди. Натижада, олти турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «Хуршида ширинликлари» оилавий корхонасининг ташкил этилишига замин яратилди. Бугунги кунда бир суткада 70 килограммча пишириқлар тайёрлаётган корхонада Ҳақбердиевалар хонадонидан ташқари яна олти киши иш билан таъминланган. Форум кўмагида олинган 35 миллион сўмлик имтиёзли кредит ўзини тўла оқлаётган. Корхона қандолатпазлари маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир пайтда соҳага қизиқувчи ёшларга ҳам пазандалик маҳоратларини ўргатиб келмоқда. «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли


фуқаролар форуми» ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг истиқлолимизнинг 22 йилги шарафига Самарқандда ўтказган ижтимоий лойиҳалар тақдиротлари шундай корхоналар фаолиятига бағишланди. Тадбир қатнашчилари мазкур корхоналарда юритилаётган иш жараёнлари, ходимларга яратилган шарт-шароит, технология линиялаш иш жараёнлари билан яқиндан танишди.

Фонд форум маданият марказида тадбиркорлар, Республика жамоатчилик кенгаши аъзолари, «Келажак овози» ЕТМ фаоллари иштирокида оилавий тадбиркорликни қучайтиришга доир семинар ўтказилди. Бундан ташқари, форумнинг келгуси иш режаси муҳокама этилди.

Форумнинг лойиҳаларидан бири — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада» акцияси Самарқандда ҳам ўз самарасини бераётган. Мазкур тадбир доирасида шаҳардаги «Боғи баланд» ва Али Қўшиқ маҳаллаларида янгидан барпо этилган болалар спорт майдончалари очилди. Ташкилотчилар томонидан маҳалла болаларига спорт анжомлари топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўзги соғломлаштириш



Кўзон минтақавий темир йўл узелига қарашли «Темирйўлчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бугунги кунда замонавий ва гўзал қўёфа касб этган. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва Кўзон минтақавий темир йўл узели тасарруфидидаги қорхона ва ташкилотлар томонидан реконструкция ишлари олиб борилди. 35 ўринли 2 та ётқоҳона биноси қайта қурилиб, тиббиёт хонаси, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган майдон таъмирланди. Замонавий меҳнат, ошхона жиҳозлари билан таъминланди.

Оромгоҳ завқи

Жорий йилда оромгоҳда темир йўл тизимида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 1350 нафар фарзанди, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан Меҳрибонлик уйларининг 100 нафар тарбияланувчиси, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг 100 нафар фарзандини бепул соғломлаштириш режалаштирилган.

Айни дамда соғломлаштириш мавсумининг 3-навбати қизғин давом этмоқда. Болаларнинг дам олишини янада қизқартириш мақсадида етакчи ва тарбиячилар олиб бораётган инглиз тили, ҳайкалтарошлик, рақс, «Моҳир кўллар», «Ёш расомлар» ва бошқа тўғарақлар мунтазам фаолият курсатмоқда.

Дам олувчиларнинг сеvimли тадбирларидан бири «Оромгоҳ олимпиада ўйинлари»-дир. Иштирокчилар шахмат-шашка, югуриш, арқон тортиш, армреслинг ва футбол бўйича ташкил этилган қўвнок учрашувларда куч синашишмоқда. Голиблар совға ва фахрий ёрликлар билан мукофотланаяпти.

Шунингдек, режага асосан ҳар босқичда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муштақил Ўзбекистон!» шиори остида «Озод элнинг ўғлиман, обод элнинг ўғлиман» номли маданий-маърифий тадбир уюштирилаётган. Муштақилгимизнинг 22 йиллигига бағишланган бу маросимда болаларнинг қўшиқ, шеър ва сахна кўринишлари билан иштирок этишмоқда.

Оромгоҳда ёш авлоднинг онгига истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини синдириш мақсадида турли кечалар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Биз сенинг фарзандларимиз, жонажон Ватан», «Обод юрт мадҳи», «Халқимизнинг буюк аждодлари» номли маданий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир.

Хуллас, бугунги кунда дам олиш маскандаги байрамона руҳ болаларга завқ бағишламоқда.

Раъно МАҲҚАМОВА, «Ishonch» мухбири



Мўъжизавий мамлакат

қайта-қайта ўзига чорлайверади

Г. Сотволдиев номли болалар соғломлаштириш оромгоҳи Фарғона туманининг «Ёшларобод» қишлоғида жойлашган. Бир марта меҳмон бўлиб, мусаффо ховоси, шифобахш сувлари, бетакороб табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлган киши бир умрга шу масканга талпинмаверади. Софья Михел раҳбарлик қилаётган ушбу муассаса «Ўз ДЭУ - Фарғона» МЧЖга қарашли бўлиб, Гулшан Маҳқамова, Гулнора Гарипова, Ольга Триандафилова, Зилола Соҳибаева каби билимли, тажрибали ўқитувчи ва тарбиячилар жалб этилган.

Ёз мавсумида ушбу масканда 900 нафар ўринга 1042 нафар болаларнинг соғликларини мустаҳкамлаб, хордиқ чиқариши учун тўла замин яратилганлиги ҳам, албатта, алоҳида таҳсинга лойиқ.

Дам олувчилар вақтини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун оромгоҳда барча шароит мавжуд. «Инглиз тили», «Рақс», «Ашула», «Моҳир кўллар», «Сехрли қоғоз» (яъни расм чизиш бўйича), «Ёш йўловчи» ва шу каби бир қатор спорт тўғарақлари ишлаб турибди. «Ўзбекистон — ватаним маним!», «Ўзбекистон фарзандиман», «Қадам бос», «Алло, талант излагимиз», «Бир томчи сувдек ўхшаш» каби тадбирлар барчада илиқ таассурот қолдирмоқда. Таниқли журналлар, спорт усталари билан учрашув ва давра суҳбатлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Этиборли жиҳати оромгоҳга қадам қўйган болалар ўзларини мўъжизавий мамлакатига келиб қолгандек ҳис қиладилар. Аслида ҳам шундай. Оромгоҳ худуди бир мамлакат ҳисобланиб, унинг тасарруфидида саккизта шаҳарчаси бор.

Энг қизиги, мазкур мамлакатнинг ўзига хос анъана ва удумлари, ДЭУ деб номланган махсус пуллари ҳам бор-да. «Умид ниҳоллари», «Эрталабки бадан тарбия», «Тозалик саломатлик — гарови» каби шаҳарлараро мусобақалар голиблари ушбу махсус пуллар билан тақдирланади. Шаҳар фуқаролари умумий тўплаган қўмнатбахо қўғозларига ҳар бир босқич якунида ўтказиладиган «Ким ошди савдоси» орқали «Ой ёғдузи», «Ширин совғалар» кафеларига ҳамда оромгоҳдан ташқарига чиқиш учун йўланмалар сотиб оладилар. Шунингдек, болаларнинг пулларига «Моҳир кўллар» тўғарағида ясалган ўйинчоқ ва совғаларни харид қилиши ҳам мумкин.

Имкон бўлса яна шу оромгоҳга келган бўлардим, — дейди Фарғона шаҳридаги 2-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Улугбек. — Мен бу ерда ўзимни ёзга сайёрага тушиб қолгандек ҳис қилдим. Таассуротларимни эса сўз билан ифодалаш қийин...

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар иқтисодий тартиқдор ривожланаётган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугун дунёда кенг эътироф этилган ривожланишнинг «Ўзбек модели» бу борада мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Савдосаноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар шу ҳақда сўз юртиди.

Таъкидлаш жоизки, туб ислохотлар жараёнида ижтимоий асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда фуқароларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган икки юздан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинган. «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги қонунлар, халқаро нормаларга мос Меҳнат кодекси шулар жумласидандир. Халқаро меҳнат ташкилотининг ўн учта конвенцияси, жумладан, «Қасаба уюшмалари билан бирлашиш ва жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқлари принципларини қўллаш тўғрисида», «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»-ги конвенциялар ратификация қилинди.

— Ўзбекистонда меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик принципларидан, хусусан, қасаба уюшмалари билан бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Меҳнатқашлар фаолияти бюросининг бош мутахассиси Сергус Гловацкас. — Ана шундай алоҳида эътибор самарасида бугунги кунда қасаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоавий меҳнат шартномалари билан қамраб олинган. Бу жаҳон миқёсида ҳам энг юқори кўрсаткичдир.

Ялпи мажлис доирасида учта сессия ташкил этилди. Биринчи сессияда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, хорижий қасаба уюшмалари марказлари раҳбарларининг маърузалари тингланди. Чунончи, миллий экспертлар ва хорижий мутахассислар барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашда ижтимоий шериклик самарадорлиги масалаларини, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилди, Халқаро меҳнат таш-

Ижтимоий шериклик — барқарор



клотининг ижтимоий мулоқоти ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича фаолияти, иқтисодийнинг глобаллашув шароитида ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масалаларини кўриб чиқди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистонда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг шаклланиш ҳуқуқий асослари умумийлиги, соҳалар, худудий ва маҳаллий даражада амалга оширилаётгани таъкидланди. Зеро, қасаба уюшмалари, давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик мамлакатимизда барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган.

Шунингдек, ижтимоий шериклик қўламини кенгайтириш борасида мамлакатимиз ҳуқуқати, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдосаноат палатаси ўртасида умумийлиги даражада тузилган Бош келишув бераётган юксак самаралар ҳам муҳокама этилди. Бу, ўз навбатида, соҳалар, худудлар бўйича бинатқашлар фаолияти бюросининг бош мутахассиси Сергус Гловацкас. — Ана шундай алоҳида эътибор самарасида бугунги кунда қасаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоавий меҳнат шартномалари билан қамраб олинган. Бу жаҳон миқёсида ҳам энг юқори кўрсаткичдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини изчиллик билан амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди. Ушбу ҳужжатда «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини қабул қилиш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ижтимоий-меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик ва бу борада Ўзбекистон таърибасига бағишланган иккинчи сессияда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъ-

минлашда ижтимоий шерикликнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди. Ижтимоий шериклик доирасида Ўзбекистон металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бераётган самаралар, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш-

да ижтимоий шерикликнинг роли, Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида маърузалар тингланди.

Учинчи сессияда ижтимоий-меҳнат муносабатларини самарали тартибга солиш учун ижтимоий шериклик принципини амалга ошириш бўйича хорижий мамлакатлар таърибаси кўриб чиқилди. Чет эллик мутахассислар ва экспертлар меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни шакллантириш ва ривожлантириш таърибаси бо-



расида фикр алмашди. Жумладан, Европа, Осиё ва МДХ давлатларининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишда ижтимоий шериклик принципларидан фойдаланиш бўйича таърибаси ҳақида кенг маълумот берилди.

— Ташкилотимиз Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва ижтимоий шериклик соҳасидаги бошқа тузилмалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, — дейди Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти элчиси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мурофилаштирувчиси Дьердь Сабо.

— Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш истиқболлари ҳақида маърузаларни истардим. Хусусан, давлатнинг томонидан янги иш ўринлари ташкил этиш бора-бора кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг ўрганилган илмий таърибаси асосида жисмоний имконияти чекланган фуқаролар бандлигини таъминлайдиган қўлаб ижтимоий қорхоналар ҳам ташкил этилмоқда. Мазкур илмий-амалий конфе-

ренция бизга бу борада мулоқотни янада кенгайтириш ва ижтимоий шериклик соҳасидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадбир иштирокчилари асосий маърузачиларнинг чиқишларини тинглаб, Ўзбекистонда меҳнатқашлар учун қасаба уюшмалари билан бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқларини олиб бориш ҳуқуқлари принципларини қўллаш тўғрисида ва «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»-ги конвенциялари талаблари тўлиқ бажарилаётганини алоҳида таъкидлади. Меҳнат шартномалари ва битимларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ўз ифодасини топгани, ходимлар учун асосий, узайтирилган ва қўшимча таътилар, ижтимоий кафолатлар, саломатликни муҳофаза қилиш масалаларининг аниқ белги-лангани мамлакатимизда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида эришилаётган юксак ютуқлардан ёрқин далолатдир.

Илмий-амалий конференция якуни ва унда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири. И.ХАСАНОВ олган суратлар



Таъриба

Маълумки, фуқаролик жамиятининг қарор топиши ўзига хос жараён бўлиб, бунда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги шакл ва услублари шаклланади, вужудга келади.

«Ўзметкомбинат» ОАЖ бошқаруви ва меҳнат жамоаси номидан қасаба уюшма кўмитаси томонидан иш берувчи ва комбинат ходимлари ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, касбий ва ташкилий муносабатларни мувофиқлаштириш юзасидан жамоа шартномаси тузилган. Бошқарув жамоа шартномаси шартларини фаол бажараятир. Қасаба уюшма кўмитаси эса «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»-ги Қонун асосида қасаба уюшмалари хос усул ва воситалар билан комбинатнинг самарали ишлашига кўмаклашиб келяпти.

Ўтган йил қорхонанинг 22 та ташкилий бўлимининг врачлик-инженерлик бригадаларида текширув ўтказилди. Кундалик иш жараёнига оид 100 дан ортиқ камчилик аниқланиб, уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва барча нуқсонларга белгиланган муддатда барҳам берилди. Шунингдек, қасаба уюшмалари ходимларини махсус кийим-бош, ювиниш ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масаласида ҳам фаол иштирок этиб

келади. Комбинатнинг ҳар бир ташкилий бўлимида ушбу масалани назорат қилиб борувчи комиссиялар фаолият кўрсатади. Қасаба уюшмалари цех комиссиялари томонидан технологик жараён, цехларнинг маийий ҳолати ҳамда ходимларнинг ижтимоий аҳоли ўрганиши борилди. Урганиш натижаларига кўра маъмурият-фаолиятини янада яхшилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилади. Мисол учун, 2012 йили 48 та тақлифдан меҳнат муҳофазаси бўйича 43 таси юзасидан аниқ тадбирлар

нати, «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, комбинатнинг санаторий профилакторийси, «Металлург» шахар касалхонаси, «Металлург» меҳмонхонаси, «Саховат» уйи ҳамда Ёшлар марказида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Таъкидлаш ўринлики, Чорвоқ

нани, «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, комбинатнинг санаторий профилакторийси, «Металлург» шахар касалхонаси, «Металлург» меҳмонхонаси, «Саховат» уйи ҳамда Ёшлар марказида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Таъкидлаш ўринлики, Чорвоқ

нани, «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, комбинатнинг санаторий профилакторийси, «Металлург» шахар касалхонаси, «Металлург» меҳмонхонаси, «Саховат» уйи ҳамда Ёшлар марказида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Таъкидлаш ўринлики, Чорвоқ

Ҳамкорлик

амалга оширилди. Қасаба уюшмалари маъмурият билан ҳамкорликда ходимларнинг маънавиятини юксалтириш юзасидан ҳам қатор ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ҳамкорликда болалар босчалари, 5 та спорт мажмуаси, Металлурглар маданият саройи, «Металлург» пансион

сув омбори ёқасидаги «Металлург» пансионатида ҳар йили 3000 дан ортиқ қорхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари дам олдирилмоқда. Пансионат ишга туширилгандан буён 23 мингдан зиёд металлург ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 2008 йил Бустонлик ту-

Ходимларни ҳар томонлама ҳимоялашга алоҳида аҳамият бериб келинаёпти. Жумладан, улар ҳар йили «Металлург» шахар шифохонасида тиббий қўриқдан ўтказилади. Шифохонада металлургларга ўрин-жой учун пул тўланмайдиган махсус палаталар ташкил этилган. 2013 йилнинг март ойидан

ИЖТИМОЙ-МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ОМИЛИ

Ахтам ХАЙТОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

— Таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик муносабатлари меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муҳим ижтимоий ҳамда кўпчилик манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда самарадорлик жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлиги аҳоли ва меҳнатқашларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, айниқса, касаба уюмлари ўртасида ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Меҳнатқашлар манфаатлари билан боғлиқ муҳим ҳужжатларнинг, аввало, касаба уюмлари билан келишилган ҳолда кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида қабул қилинаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг нақадар ривожланиб бораётгани, бу орқали ходимлар манфаатлари ҳимоясига эътибор кучаяётганидан далолатдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида имзоланаётган кўшма тadbирлар дастури ташкилотларимиз ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантирди. Натижада касаба уюмлари нафақат ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ижтимоий ҳимоялаш, ходимларни қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш борасида ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мазкур халқаро илмий-амалий конференция бир қатор ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шериклик алоқаларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ильяс АЛИЕВ, Озарбайжон касаба уюмлари федерацияси раисининг биринчи ўринбосари:

— Ижтимоий шериклик гап кетганда, бундай муносабат ҳар қайси замонавий жамиятнинг зарур таркибий қисми эканини айтиб ўтиш зарур. Зеро, турли ижтимоий қатламлар ўзaro келишувда яшайдиган жамиятдагина аҳолининг умумий фаровонлиги тўғрисида гапирish мумкин.

Шу маънода мазкур анжуманда ижтимоий шериклик юзасидан мамлакатингиз таърибасидан ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатлар кўп эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Ташкил этилган анжуман мавзуси ниҳоятда долзарб. Ижтимоий-меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик таъминлашнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси бу мавзуга алоҳида аҳамият бераётгани эътиборга молик. Иш берувчи ва ходим муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти катта ва бу шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Ходим меҳнати муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш Ўзбекистон касаба уюмларининг доимий диққат марказида экани, айниқса, ёшлар ижтимоий ҳимоясига алоҳида ёндашган тахсинга сазовор.

Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Сенати фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

Бешта каналдан иборат УЗИ ва ЭГДЗ ускуналари билан жиҳозланган компютер томография маркази ишга туширилди. Келгусида тиббий дори эритмалари ишлаб чиқариладиган завод қурилиши ҳам режалаштирилган.

Комбинат бошқаруви ва касаба уюмлари қўмитаси иж-

фолатларни ҳам қамраб олган. Жамоа шартномаси бўлимлари ҳақида гап кетганда, комбинатда ишлаётган ёшлар ва хотин-қизлар масаласи ҳамиса эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хотин-қизларга хоҳишига кўра қисқартирилган иш вақти, туланадиган қўшимча меҳ-

тини чуқур ўрганиб, самарали фаолият юритишларини таъминламоқда. Бундан ташқари, комбинатда мураббийлик ҳаракати давом этмоқда. Коллежларнинг ҳар 3 нафар талабасига ишлаб чиқариш тармоқларининг пешқадам ходимлари бириктириб қўйилади. Иил якунига кўра энг яхши

ёшлар мураббийси аниқланиб, пул мукофоти билан тақдирланади.

Дарвоқе, жамоа шартномаси 4 та, яъни, «Жорий йил учун жамоа шартномасининг бўлимлари бажарилиши якунларига бағишланган муҳокама жараёнида билдирилган фикрлар ва тақдир-

Абельгази КУСАИНОВ, Қозоғистон касаба уюмлари Федерацияси раиси:

— Ўзбекистон касаба уюмлари тизимида сўнгги йилларда юз берган ижтимоий ўзгаришлар, ислохотлардан ҳабаримиз бор. Касаба уюмларининг ихчам, ишчан ва тезкор тизими яратилмоқда. Бу борада Қозоғистон касаба уюмларининг Ўзбекистон таърибасидан ўрганиши лозим бўлган жиҳатлари жуда ҳам кўп.

Таъкидлаш зарур, Ўзбекистон касаба уюмлари минтақадаги энг кўп аъзога эга, йирик ва кенг қамровли жамоат ташкилотидир.

Аҳамиятли томони шундаки, ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш ташаббуси ҳам биринчилардан бўлиб айни Ўзбекистонда шаклланди ва самарали амалга ошириб келинмоқда. Хозирда Қозоғистонда кичик кўшма корхоналар, тadbиркорлик субъектларида касаба уюшма бошланғич ташкилотларини ташкил қилиш, барча меҳнатқашларни жамоа шартномалари билан қамраб олиш муаммоси пайдо бўлган. Мамлакатимиз бўйича барча меҳнатқашларнинг 31,8 фоизигина бундай ҳуқуқий кафолатдан баҳраманд бўлишяпти. Ўзбекистонда эса бу борада катта ютуқларга эришилаётганини

касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олингани ўзи ҳам аққол кўрсатиб турибди.

Антон ФИНЬКО, Украина Президенти ҳузурдаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича мувофаклаштирувчи кенгаши аъзоси, Киев халқаро тadbиротлар маркази эксперти:

— Украинада ҳам ижтимоий шериклик тизимини янада ривожлантириш учун қонунчилик асоси яратилган. 1993 йили «Жамоа шартномалари ва келишувлари ҳақида»ги қонун қабул қилинган бўлса, беш йил ўтгач, «Жамоада меҳнат Низомларини кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги» қонун кучга кирди.

Шу ўринда имкониятдан фойдаланиб, бугунги тadbир ташкилотчиларига ўз ташаккуримни изҳор этмоқчиман. Чунки, ижтимоий шериклик ва уни амалда қўллаш масалалари ниҳоятда долзарб вазифалардан. Шу боис бу борада ўзаро фикр алмашиш ҳамда илгор иш тажрибаларни амалда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро илмий-амалий конференцияда билдирилган фикр ва мулоҳазалардан шу нарса маълум бўлдики, ижтимоий шериклик нафақат бизда, балки бошқа давлатларда ҳам ижобий аҳамият касб этаётди. Демак, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Ўз мухбиримиз



Сўз — конференция иштирокчиларига



— Ижтимоий шериклик таъминлаш борасида эришилган натижалар эътиборга молик. Утган олти ой мобайнида 554 минг иш ўринини яратилишида, касб-хунар коллежлари ўқувчи ва битирувчиларининг амалиёт ўташи ва доимий иш билан банд этилишида, шубҳасиз, нодавлат нотижорат ташкилотларининг муносиб ҳиссаси бор. Бу эса ижтимоий шериклик ҳақиқатдан ҳам барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашнинг асосий омили эканини кўрсатади.

Демак, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосидаги ўзаро ҳамкорлигини бундан-да мустаҳкамлаш давр талабидир. Бугунги конференцияда билдирилган фикр-мулоҳазалар бу борада кўп келиши шубҳасиз.

Эркин СОЛИХОВ, Фуқаролик жамияти Шаклланишини мониторинг қилиш Мустақил институти директори:

— Маълумки, Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йилларидан демократик, адолатли жамият бунёд этиш мақсад қилиб қўйилган. Илчиллик билан амалга оширилган ва оширилаётган ислохотлар бу борада эришилаётган ютуқлар омили бўлаётди. Жумладан, маҳалла институтининг кенг жорий этилиши натижасида ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиб бораётгани, касаба уюмлари, «Камолот» ЕИХ каби йирик жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳам фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди.

Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг умумий мақсад йўлида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида фаолият олиб бориш заруратининг белгилаб қўйилгани катта воқеа бўлди. Натижада, ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланиб, самарали ютуқларга эришишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Гренландиядаги метеокузатувлар давомида тарихда илк бор энг юқори ҳарорат қайд этилди.



Ҳайратланарли жойи йўқ...

Дания метеорология институти хабар беришича, иссиқ об-ҳаво рекорди 30 июл кун кузатилди. Шу кун Гренландиянинг жануби-ғарбий қирғоқбўйи ҳудудида симоб устунни Цельсий бўйича +25,9 даражани кўрсатган. Гренландияда метеорологик кузатувлар 1958 йилдан буён олиб борилади. Бундан олдинги рекорд 1990 йил 27 июлда қайд этилган. Ушундан ҳаво 25,5 даражача кўтарилган. Даниялик метеорологларнинг таъкидлашича, ушбу кўрсаткичнинг ҳайратланарли жойи йўқ, чунки у анчадан бери давом этиб келаётган глобал иссиқ алгоритмга тўғри келади.



«Apple» компанияси «Exxon Mobil» нефт корпорациясини ортда қолдириб, тўртинчи бор жаҳоннинг энг қиммат компанияси номини олди.

Номини қайтариб олди

Хусусан, компаниянинг бозор капитализацияси жорий йил июлида бир акция учун 56 долларга ошиб, 414,9 долларни ташкил этган. Энди «ExxonMobil» нефт концернининг қиймати «Apple»га қараганда 2,6 миллиард доллар арзон туради.

Афғонистонда сув тошқинлари оқибатида 70 дан ортиқ киши вафот этди.



Ҳалокатли тошқин

Табий офатдан асосан Қобул ва унинг атрофидаги шаҳарлар азият чекишти. Ушлаб уйлар ваёрон бўлди. Шунингдек, сув тошқини шарқий провинциялар — Нуристон ва Хостга ҳам зарар етказган.

Қўшни Покистоннинг Карачи шаҳрида ҳам 16 нафарга яқин киши ҳалок бўлганлиги айтилмоқда. Сув тошқини кучли ёғинчириклар оқибатида вулдуғ келган. Маълумотларга қараганда, Афғонистон ва Покистонда ёмғирлар хали-бери тинмайди.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йилнинг ёзида ҳам Покистонда сув тошқини рўй берган эди. Ушунда 1800 киши ҳалок бўлган, 10 миллион покистонлик бошпанасиз қолган.



Хитойда 23 нафар хорижий сайёҳдан иборат гуруҳ тоғли ҳудудда изсиз йўқолган.

Қидирув натижа бермаётди

Маълум бўлишича, улар «Уч дара» деб номланувчи дунёдаги энг катта гидро электр станцияси яқинида жойлашган Хуаньюн тоғли зонасига йўл олган ва номаълум сабабларга кўра қайтишмаган. Қидирув ишлари натижа бермаяпти. Сайёҳларнинг шахси ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ.

АҚШ фуқароси «Google» қидирув тизимига «шубҳали сўровлар»ни киритгани учун полицияларнинг саволларига жавоб беришга мажбур бўлди.



Шубҳали сўровлар

Тартиб посбонларини унинг «Google»даги сўровлари қизиқтирган. Каталанининг собиқ ҳамкасблари ушбу ходимнинг компютердаги қидирув тарихида «тезқайнар қозон», «бомбалар» ва «рюкзак» сўзлари бор бўлган сўровларни тоғгани ҳақида полицияга хабар беришган.

Полиция суриштирувидан сўнг унинг интернет-фаоллигида ҳеч қандай жиноят аломатлари йўқ деган хулосага келинди, дея хабар беради РИА Новости.

Едингида бўлса, шу йилнинг 15 апрел кун Бостондаги халқаро марафон финишида тезқайнар қозонга портловчи қурилма қўйилган. Ушбу теракт оқибатида уч киши ҳалок бўлган, 200 га яқини яраланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДИҚҚАТ ТУЗАТИШ!

Ishonch gazetasi 2013 йил 1 августдаги 91-сонда «AUTO TRADE COOPERATION» МҲЖ томонидан очик аукцион савдоларига чиқарилган «Анджон вилоят касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши»нинг автотранспорт воситалари бўйича аукцион савдоларининг бўлиб ўтиши 2013 йил 3, 10, 17, 24 сентябр ўрнига 2013 йил 6, 13, 20, 27 сентябр деб ўқилсин. **Қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-йў, Телефон: (+99895) 177-96-74, (+99891) 484-14-47 Гувоҳнома № 005148. E-mail: avto_tc@mail.ru

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюмлари Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаши етақачи юриконсулти Абдувоҳид Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси **ТУМАН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

самаралари

тимой шерик сифатида нафақат ишлаб чиқариш шароитини, балки ходимларнинг турмушини яхшилашга ҳам ҳаракат қилиб келмоқда. 2011 йил 25 мартда имзоланган ва ҳозиргача амал қилиб келаётган жамоа шартномаси қонунлар ҳамда бошқа меърий ҳужжатларда кўзда тутилмаган ка-

нат таътили берилиши белгилаб қўйилган. Ешлар масаласига келганда, оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида биринчи фарзанд туғилганда энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорда пул берилади. Меҳнат муҳофазасига қаратилган турли кўрик-танловлар ҳам ходимларнинг иш шароит-

лари билан боғлиқ бўлиши эҳтиборга молик. Бу эса комбинат ходимларининг жамоа шартномасида кўзда тутилган муайян имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, ўзларининг ижтимоий муҳофазасида эканини сезаётгани ва турмуш даражаси ўсаяётганини кўрсатиб турибди. Кўп миң кишилик жамоамиз олдида янги заводлар барпо этиш, технологик жараёнларни янгилаш соҳасида катта вазифалар турибди. Касаба уюшмаси сингари шерик билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда катта муваффақиятларни қўлга киритишимиз шубҳасиздир.

Шавкат **ХОЛИҚБЕРДИЕВ, «Ўзметкомбинат» ОАЖ бош директори ўринбосари**

Касаба уюшма тадбири

Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган «Санъатим сенга, обод юртим» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловнинг якуний республика босқичига ҳам санокли кунлар қолди.

Танловнинг дастлабки саралаш босқичларини таҳлил қилганимизда, Қашқадарё вилоятида меҳнаткашларнинг маъруз тадбирда кўтаринки кайфиятда иштирок этганлиги маълум бўлди. Жорий йилнинг март ойида 2440 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидан ўтказилган кўрик-танловнинг илк босқичида ҳамми 52446 нафар ҳаваскор қатнашди. Жумладан, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 1570 та муассасада 31420 нафар, агросаноат мажмуи ходимлари тизимидаги 520 та бошланғич ташкилотдан 15500 нафар, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 104 та тиббиёт муассасасидан 3506 нафар, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги 180 та ташкилотдан 1420 нафар санъатсевар истеъдодли намоён элтанни алоҳида таъкидлаш жоиз. Апрель ойида барча туманлар ҳамда Қарши шаҳрида ташкил этилган навбатдаги босқичда эса 2267 нафар иштирокчи беллашди. Ҳали ва совриндорлар касаба уюшма ташкилотлари томонидан диплом ва қимматбахшо совғалар би-

лан тақдирланди. Нихоят, 31 май куни Қаршида танловнинг вилоят босқичи ташкил этилиб, 5 та йўналишда ҳаваскор санъатсеварлар сараланди. Ҳали ва совриндорлар касаба уюшма ташкилотлари томонидан диплом ва қимматбахшо совғалар би-

Ҳаяжонли кунлар яқин

публика босқичига йўланма олишди. Китоб тумани тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди танловнинг республика босқичига қизгин ҳозирлик кўраётган Хилола Шарипова. — Ҳакамлар хайбати «Анъанавий ижрочилик» йўналишида чиқшимни юқори баҳолашганидан жуда хурсандман. Касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган санъат байрамнинг якуний босқичини ҳаяжон билан кутаяпман. — Миришкор туманидаги 6-умумий ўрта таълим макта-

бида ишлайман, — деди «Эстрада кўшиқчилиги» йўналишида энг яхши деб топилган Бехзод Ашуров. — Санъатни севаман, шунинг учун тинимсиз излаиб, келажакда халқ ижодиётини ривожлантиришга ҳиссамни кўшмоқчиман. «Санъатим сенга, обод юртим» кўрик-танлови ўзимга бўлган ишончимни янада орттирди. Танлов ташкилотчилари санъатга ошно қалб-

ларга хуш ёқадиган бу каби хайрли тадбирларни янада кўпроқ ўтказишига тилақдошмиз. — Қарши туманидаги 7-ўрта мактабда «Ғунча» рақс тўғараги раҳбариман, — дея ўзини таништирди яқна рақс ижрочилиги бўйича вилоят босқичи ғолибаси Назира Фармонова. — Тўғарагимиз қизлари туман, вилоят ва республикада ўтказилган турли танлов ва фестивалларда фахрли ўринларни эгаллашган. Ўзим ҳам 2010 йил Баркамол авлод йилига бағишлаб вилоят таълим муассасалари педагог-ҳодимлари ўртасида

ўтказилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» фестивалининг санъат йўналишида учинчи ўринни эгаллагандим. Орадан уч йил ўтиб, бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичларида яқна рақс ижрочилиги йўналишида ғолиб бўлишимдан қувончимнинг чеки йўқ. Энди республика миқёсида турли вилоятлардан келадиган рақс усталари билан беллашиш имкони туғилди. Бундан ҳеч биримиз ютқазмаймиз, аксинча, билимимизни оширамиз, санъатнинг ҳексиз сирларидан бохабар бўлиб, ижод завоқини туямиз.

— Ғузур тумани умумий ўрта таълим мактаблари ва туман санъат мактаби педагог ходимларидан иборат жамоамиз — яқна ва ансамбль чолғу ижрочилиги бўйича республика босқичига йўл олди, — деди жамоа аъзоси Алишер Даминов. — Ўзим «Чугуртма» кишлоғидаги 31-ўрта мактабда ўқитувчилик қиламан. Жамоамиз аъзолари турли таълим муассасаларидан ташкил топган бўлсада, ўқувчиларга пухта билим бериш, ўзбек санъатини авайлаб-асраш каби муштарак мақсадлар бизни бирлаштирди. Қолаверса, бу бирдамликда касаба уюшмалари ўтказаяётган «Санъатим сенга, обод юртим» танловнинг ҳиссаси бекиёсдир.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Кўргазма


Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида ташкил этилган «Тошкент: кеча ва бугун» деб номланган кўргазма намоиши давом этмоқда.

Кўҳна ва навқирон шаҳар

Биламизки, Тошкент шаҳри қадимдан кўп улугланган, уни «нон шаҳри», «Шарқ дарвозаси» деб аташган. Буюк ипак йўлининг энг муҳим аҳамиятга эга манзилларидан бири саналган пойтахтимиз мустақиллик йилларида ўзгача гўзал қиёфага, бутун дунё аҳли таниган нуфузли мегополис мақомига эга бўлиб, «Ислоҳ маданияти маркази» деган ном олди. Бир юз ўттиздан зиёд миллат вакиллари тинч-тотув истикомат қилаётган баргирек шаҳар истиклол шарофати билан таниб бўлмас даражада яшарди. Президентимиз ташаббуси асосида янги-янги мухташам, миллий ва замонавий иншоотлар, монументал ҳайкалларошлик намуналари бунёд этилди. Шаҳидлар хиббони мажмуаси, Халқаро анжуманлар саройи, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира майдони... Бундай бунёдкорликлар рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин.

оширилаётган ишларга оид мажмуа ва қайта таъмирлаш дизайн намуналари орасида М.Хамдамова ва Б.Ўқубонованинг оригинал ечимдаги кенг миқёсли лойиҳалари томошабинлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Кўргазманинг яна бир алоҳида қисмидан эса рангтаъсир ҳамда графика соҳасида ижод қилувчи rassomlarнинг асарлари жой эгаллаган. Уларда кўҳна ва навқирон пойтахтимизнинг ўтмиши ва ҳозирги кунини ёрқин акс эттирувчи манзаралари кўрамиз. Шундай эътиборга лойиқ асарларнинг муаллифлари қаторида Р.Ҳориев, А.Мирзаев, А.Иқромжонов, Ж.Умарбеков, С.Убайдуллаев, А.Юнусов, М.Содиқов, З.Фахриддинов, В.Бурмакин, И.Баҳромов, Б.Бобоев, Б.Қурбонов, А.Жамолов, Д.Мамедова, Р.Шодиев, Н.Эргашева каби истеъдодли мўйқалам усталарини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз, улар яратган рангтаъсирларнинг нақадар мукаммал ишланганини эътироф этишимиз мумкин. Айниқса, А.Мирзаевнинг «Тошкент напоромрти», «Яшил бозор», Ж.Умарбековнинг «Бўзсув», «Акс», Р.Худойбергановнинг «Янги кўприк», С.Абдуллаевнинг «Кенчи Тошкент», «Тонг», «Сокин кеча», А.Иқромжоновнинг «Себзор», «Навбахор чойхонаси», И.Баҳромовнинг «Тошкент тўқимачилик комбинатида», З.Фахриддиновнинг «Оқшом», М.Нуриддиновнинг «Шаҳар мотиви», В.Бурмакиннинг «Тошкент қурилмоқда», А.Юнусовнинг «Айвондан кўриниш», «Ези ховли», Б.Бобоевнинг «Дўстлик ристалари», «Тўқувчилар», Б.Қурбоновнинг «Осуда тонг», «Янги кўприк бўсағасида» номли асарлари кечги ҳамда бугунги Тошкентни ўзаро қисқалашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Уларда шаҳар билан боғлиқ тарихий воқеалар ифодали бўёқларда ўз аксини топган.



А.Жамолов яратган «Эски шаҳар» маърузидаги туркум асарлар ҳам ўзига хос бўлиб, уларнинг ҳар бири рассомнинг юксак маҳорати намоён бўлиши, бадий ифода услубининг ноёблиги, бошқа ижодкорларни тақорламаслиги билан қимматлидир. Д.Мамедова ишлаган асарлар ҳам Тошкентнинг мустақиллик йилларидаги янги қиёфасини сермаъно қизик ва ранглар уйғунлигида намоён этиши, услубининг экспрессив хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Бу муассирнинг «Чорсу», «Тошкентда куз», «Амир Темур музлари», «Телеминора», «Янги кутубхона» каби асарларида ёрқин намоён бўлган...

Р.Бозоровнинг «Фавворали манзара», Т.Шоймуродовнинг «Шаҳидлар майдони», Э.Муратовнинг «Зиёлилар даргоҳи», С.Нугмоновнинг «Ўрда», Н.Эргашеванинг «Гул навалари», В.Соседовнинг «Чилонзор» туркумидаги рангтаъсирлари ҳам томошабин кўнглида ажиб таассурот уйғота олади.

Б.ТОЖИЕВ, санъатшунос

Танганинг иккинчи томони

Ҳозирда ёшлар ҳаётида компютер, уяли алоқа муҳим ўрин эгалламоқда, десак муболаға бўлмайди.

Кўмакчимнинг «кўмаги»

ёки компютер ва биз

Тўғри, бу техника мўжизаси ишимизни энгиллаштиришга хизмат қилади. Биз ўндан ишда ва ўйда ўз эҳтиёжимиз даражасида фойдаланамиз. Аммо ҳаётини усиз тасаввур қила олмайдиганлар, унга хизмат қилувчиларга айланиб қолаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Гўё уларга бу дунёда компютердан бошқа нарса керакмасдек туюлади. Биргина мисол билан бу муаммони таҳлил қилиб кўрсак. Қўлида чақалоги бор ёш келинчака уй ишларини бажариши бир мунча қийинчилик туғдиради. Ёш она ўзига эътибор талаб этиб, инжиқлик қилаётган гўдагига «сотка»сини тўтказиб, мусика қўйиб беради...

Ота-онадан қилинадиган талаб биргина, керакли файлни очиб, тегишли тугмачани босиш. Кейинчалик эса фарзандларимизнинг ўзлари уни ёқиб-ўчиришни удаллай оладилар. Боласининг ўйда эканлигидан кўнгли хотиржам аёл бемалол уй ташвишлари билан банд бўлади... Ийиллар ўтиб эса фарзандини ўзи ўргатган, боғлиниб қолишига замин яратган мосламадан воз кечишга мажбурламоқчи бўлади. Энди ўндан ҳеч ҳам вақтинчи аямган, унга барча нарсаларни ўргатган «қадрдон»идан юз ўгириши осон бўлармикан? Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фарзандларимизга меҳр кўрсатилик, вақт ажратилик, эро, буларнинг бари келажакимиз эгаларида ҳақиқий инсоний фазилатларни шакллантиришга кўмаклашсин.

Биллур ТОЛИПОВА

Огоҳлик

Сувда ҳам хатар бор

Ўтган йиллар давомида юртимиз ҳудудида сувга чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз берди. Бундай ҳолатлар, айниқса, фуқароларнинг тез оқувчи дарё, канал ва сойлар бўйида оилавий дам олиши ва у ерда ёш болаларнинг қаровсиз қолдириши ҳамда таққиланган жойларда чўмилиши натижасида содир бўлмоқда.

Яхши сузадиган одам ҳам сувда чўмилиш қондаларига риоя қилмаса ва эҳтиёт чораларини кўрмаса, чўкиши мумкин. Узоқ масофага сузиб чарчаш, шунингдек, қалла ташлаганда бошининг тош ёки бирор қаттиқ нарсага урилиши бунга сабаб бўлади. Чўккан одам кутқариб олинган, унга дарҳол керакли ёрдам берилиши лозим. Агар ҳушидан кетмаган бўлса, уни тиңчлантириб, ҳўл кийимларини ечиш, баданини қуруқ қилиб артиш, бошқа кийим кийдириш керак. Ҳушдан кетган, лекин юраги ураётган бўлса, нашатир спирт хидлатиш, кўкрак қафасини сиқиб турган кийимдан бўшатиш, нафасини яхшилаш учун тилидан тез-тез тортиб туриш лозим. Юрак урмаётган ва нафас

нинг бундай ҳолатида хиқилдоқнинг йўли тўла очик бўлади. «Оғиздан-оғизга», «оғиздан-бурунга» нафас беришни, яхши-си, доқа ёки юпка газлама орқали бажариш лозим. Оғизга ҳаво пуфланганда бурун қисиб турилади, бурунга пуфланганда оғизни юмиб, пасти жағ олдинга тортиб қўйилади. Сунъий нафас олдириш билан бир вақтда юрак ташқи томондан массажа қилинади, ҳар сафар ҳаво пуфланганда уч-тўрт марта кўкрак қафасига босилади. Чўккан одамни чойшаб, аёл ва бошқа нарсаларга ўраб чайқатиш фойда бермайди. Унинг оёқ-қўлларини ишқалаш, массажа қилиш йўли билан иситиш чоралари қўрилиши лозим. Ушбу усуллар чўккан одам сувдан чиқариб олинган захоналик, шифокор этиб келгунча қирғоқда, қайиқда бажарилади. Сунгра бемор зудлик билан шифохонага олиб борилади. Чўмилиувчиларга маслаҳат: -қўшли кунда, ҳаво ҳарора-

Катъян таққиланади: -Ўтиб бораётган катер ёки қайиқ томон сузиш, таққиланган жойларда чўмилиш; -чегара белгиларидан ташқарида сузиш; -чўмилаётган болаларни қаровсиз қолдириш; -кўприк, дамба, причал (кема тўхтаб туриш жойи), катер ва қайиқлардан сувга шўнгиш; -нотаниш жойларда чўмилиш. Бахтсиз ҳодиса юз бермаслиги учун чўмилиш қондасига риоя қилиш, болаларни қаровсиз қолдирмамаслик, чўмилиш учун ажратилган жойдан нарига сузиб ўтмаслик, овқатлангандан кейин 1,5—2 соат ўтмасдан чўмилиш керак. Спиртли ичимлик ичганда, жисмонан ва руҳан чарчаганда чўмилиш ҳам ярамайди. Офтоб жуда қизиб турганда сувга тушиб чўмилиш юрак қон-томир касалликлари бор ёши ўтган кишилар учун ниҳоятда хавфли. Истардикчи, ҳеч қачон сувга чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлмасин.

Р.ХУДАЙБЕРГАНОВ, Хива тумани Фавкулдада вазиятлар бўлими бошлиғи, майор

ЭРКИН КУРАШ

Эркин кураш бўйича миллий терма жамоаси аъзоси, икки карра Осиё чемпиони Рашид Курбонов Ваназдор (Арманистон) шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда бронза медал соҳибига айланди.



Вазндаги фарқ сабаб

84 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан вақилимиз кетма-кет икки беллашувда галаба қозонди. Турнирнинг бўлажак чемпиони Клейтон Фостерга (АҚШ) кичик ҳисобда ютқазган Рашид Курбонов учинчи ўринни эгаллади. Қайд этиш ўринлики, полвонимиз шу йилнинг апрел ойида ўтказилган Осиё чемпионатида 74 кг. вазн тоифасида ғолиб бўлган эди.




Хааня (Эстония) шаҳрида кросс-биатлон бўйича ўтказилган Европа очик чемпионатида спортчимиз Руслан Носиров бронза медал билан тақдирланди.

Бу гал бронза

Мусобақа якунларига кўра спортчимиз 35,6 очко тўплади ҳамда совриндорлар сафидан жой олди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Осрбли (Словакия) шаҳрида ўтган айнан шу мусобақада Руслан Носировга иккинчи бўлиш насиб этганди.

ФУТБОЛ

Нихоят, футбол бўйича «Олий лига — 2013» иккинчи давра учрашувлари старт олди. 14-тур доирасида «Пахтакор» ва «Бухоро» клублари тўқнаш келди.



Иккинчи давра

Учрашувнинг 19-дақиқасида Кахи Махарадзе пеналтидан дастлабки голни киритиб, «шерлар»ни олдинга олиб чиқди. Боз устига, ушбу вазиятда Игор Сергеевни жарима майдончасида йиқитгани учун ҳакам томонидан «Бухоро» дарвозабонига қизил картонча кўрсатилди. Бир киши кам бўлиб қолганига қарамай бухороликлар шу кунги ёмон ўйин кўрсатишмади. Айниқса, Баҳоқдор Пардаевнинг хатти-ҳаракатлари яхши таассурот қолдирди. 59-дақиқада «Пахтакор» дарвозаси томон пеналти белгиланди. Ҳушдан унумли фойдаланган Пардаев ҳисобини 1:1 қўринишига олиб келди. Ўзбек футболнинг ёш истеъдодларидан бири дея эътироф этилаётган Игор Сергеев 65-дақиқада «Пахтакор»нинг галаба тўпини йўллади — 2:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Қизилкум» 1:0, «Насаф» — «Гулистон» 3:1, «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Олмалик» 2:2, «Металлург» — «Навбахор» 2:1, «Нефтчи» — «Шўртан» 2:0.

Адхам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002 4772010500001 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70, Buxoro +99893 653 50 81, Sirdaryo +998 90 999 58 30, Jizzax +998 94 418-67-49, Navoiy +998 94 226-28-84, Namangan +998 90 260-50-77, Samarqand +998 93 352-50-87, Qashqadaryo +998 91 467-30-01, Surxondaryo +998 95 502-16-68, Farg'ona +998 90 583-49-79, Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B. Rizayev Navbatchi: U. Ibodinov Musahhif: S. Shodiyeva. Boshqacha topshirish vaqti - 21.40. Topshirish - 01.20. E-mail: ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va nashrlanadi. Sahifa loyihi: H. Abduljalilov. «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasiida chop etiladi. Korxonani manzili: Buxoro tumani, ko'chasi, 41-uy.